

---

Туманимиз спортчилари "Қўл жанги" бўйича Ўзбекистон чемпионатида 5 та медални, Taekwondo WT тури бўйича вилоят очиқ биринчилиги мусобақасида 6 та медалларни қўлга киритишди  
Қуни кеча Гулистон шаҳри мезбонлигида ўсмирлар ўртасида спортнинг ҚўЛ ЖАНГИ тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада жами мингдан зиёд ёш спортчилар қатнашиб, ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Мазкур мусобақада туманимиз спортчилари 2 та олтин ва 3 та бронза медалларини қўлга киритди.

Шунингдек Фарғона шаҳри Само спорт мажмуасида спортнинг Taekwondo WT тури бўйича вилоят очиқ биринчилиги мусобақасида Фурқат тумани Спорт мактаби Taekwondo бўлимнинг "РАСУЛОВ" жамоаси ҳам муносиб қатнашиб, 1 та олтин, 1 та кумуш, 4 та бронза медалларини қўлга киритди.

Қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионатида ғолиб бўлган спортчи ёшлар: Худойберди Жўрабоев, Бахтиёр Абдуҳамидов олтин, Аҳмаджон Мағрупов , Боймурод Обидов, Салоҳиддин Араббоевлар бронза медалларини қўлга киритдилар.

Taekwondo WT бўйича вилоят очиқ биринчилигида ғолиб бўлган спортчи ёшлар: Боир Раҳматуллаев олтин, Темур Тўхташбоев кумуш, Бобур Иброҳимов, Бунёд Қўқонбоев, Жавоҳир Нозимжоновлар эса бронза медаллари соҳиби бўлдилар.

Фурқат тумани ҳокимлиги ушбу спортчиларни эришган муваффақиятлари билан самимий қутлаб, кейинги мусобақаларда ҳам совриндорлар қаторида бўлишларини тилаб қолади.

2022-08-25 22:21:19